


Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2022-YIL 7-YANVAR, JUMA № 1 (1369)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adotat
adolat24.uz/



электрон газетани QR коддини ўзингизга юклаб олинг!



Сарҳисоб



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Янги йил байрами болажонларга ўзгача завқ бағишлайди. Безатилган арча ва тухфа этиладиган ажойиб совғалар уларнинг қувончига қувонч қўшади.

“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши томонидан “Хаста дилларга меҳр бер!” акцияси доирасида Тошкент шаҳридаги онкологик касалхоналарда даволанаётган болалар учун “Янги йилни янги орзулар билан” мавзусида қўчма арча байрам тадбирлари ташкил этилди.

ХАСТА ДИЛЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ...



ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАЛИ КЕЧДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг 2021 йилги фаолиятига мухтасар назар ташларканмиз, эришилган қўламдор ва самарали натижалардан қўнглимиз тўлади. Жумладан, ўтган йил мобайнида партия электорати манфаатларини химоя қилиш, Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, ишбилармонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани қувонарли, албатта.

Энг аввало, йил бошидаёқ фракция томонидан қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолиятида натижадорликка эришиш ҳамда бошқа тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида 2021 йилга мўлжалланган ҳаракат режасини акс эттирувчи алоҳида «Иш режаси» ишлаб чиқилди.

Шуни мамнуният билан қайд этишимиз жоиз, ўтган йил мобайнида фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида яхлит тарзда 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.

Шунингдек, фракция аъзолари 4 та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлишди. Мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фракция аъзолари томонидан фуқаролар ҳуқуқи ва манфаатларини тўлақонли ифода этишга, жойлардаги ўрганишлар давомида аниқланган муаммо ва камчиликларга ечим топишга, шунингдек, фуқаролар билдирган таклиф ҳамда фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор берилди.

Муносабат

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги йил муносабати билан Ўзбекистон халқига йўлаган табригида 2022 йилни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилди. Бундан кўриниб турибдики, инсон қадри, унинг манфаати хамиша юқори ўринда туриши керак деган халқпарвар ғоянинг узвий давом этиши яна бир бора ўз тасдиғини топди.

Юртбошимиз янги йилга ном беришда кенг жамоатчиликнинг фикрлари ўрганилгани ва ана шу таклифлардан келиб чиқиб, бундай қарор қабул қилинганини билдирди. Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади. Таъкидланганидек, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Шу боис, бундан буён ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланиши қайд этилди. Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва

барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият қаратилишига уруғ берилди.

Табриқда, шунингдек, 2022 йилда иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш эътибор марказида бўлиши, юртимизни янада обод қилиш, замонавий уй-жойлар, жумладан, барча ҳудудларда “Янги Ўзбекистон массивлари”ни қуриш асосий вазифаларимиздан бирига айланиши таъкидлаб ўтилди. **“Ишонтириб айтаманки, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”** деди Президентимиз.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Суҳбатда давлат раҳбарлари Қозоғистондаги вазиятнинг ривожланиши, республикадаги ҳолатни барқарорлаштириш, тез фурсатда тинчлик ва осойишталикни қайта тиклаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон етакчиси Қозоғистоннинг биродар халқи ва раҳбариятини уларнинг мамлакат барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларида доимо қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИ ВА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбатда давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик муносабатларининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, минтақадаги вазият, шу жумладан, қўшни Қозоғистонда вужудга келаётган ҳолат юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат етакчилари ҳозирги воқеаларнинг иштирокчиси бўлган томонларни вазминликка ва вужудга келган масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақирдилар.

Давлат раҳбарлари минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга бундан буён ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатларни қаратишга тайёр эканликларини таъкидладилар.


ЎЗА

ХАЛҚ ВАКИЛИМАН
ДЕБ ЮРГАНИМДАН
УЯЛДИМ...

“Йўғламаган
болага
эътибор йўқ”,
дея юраверган
эканмиз...
Таажжуб-
ланасан киши,
наҳотки, ҳали
ҳам, ҳозирги
замонда ҳам
орамизда
шундай ин-
сонлар бор!

ОЛИЙҲИММАТЛИЛИК
САБОҚЛАРИ

Алишер Навоий ҳар бир асарига инсонни улуғлар экан, уни ҳимматли, саховатпеша бўлишга ундайди:
*Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Курт жондин кечиб, ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг йўқму?
Пилла куртича ҳимматинг йўқму?!*



4

5

ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАЛИ КЕЧДИ



Максуд ХАМИДОВ,
“Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

1 Утган даврда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий аҳамиятга эга муҳим қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, қонунларни такомиллаштиришда фуқароларнинг таклифи ва мулоҳазаларини эътиборга олиш борасидаги ишларга ҳам устувор аҳамият қаратилди.

Жумладан, фракция партия билан ҳамкорликда 23 та қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамасини ташкил этиб, уларда фуқаролар томонидан билдирилган 150 га яқин таклиф қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш жараёнида инobatга олинди.

Хусусан, фракция томонидан “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги, “Транспорт тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги ва “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини такомиллаштириш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазоларни енгилаштириш, “Сайлов тўғрисида”ги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериш тизимини содда-лаштириш, айниқса, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатларини тайёрлашда фракция аъзолари фаол иштирок этишди ва уларнинг ақсарият таклифлари қонун лойиҳаларида ўз аксини топди.

2021 йил мобайнида фракция томонидан долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш бўйича ташаббус билан чиқиш, шунингдек, улар фаолияти устидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шунга қўра, ўтган даврда фракция ташаббуси асосида қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси, шунингдек, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган “парламент эшитиш” ҳамда “ҳукумат соати”да ўз таклифи ва ташаббусларини билдириб келди.

Шунингдек, фракция таклифига қўра, сайловчиларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал этиш, депутатларнинг аҳоли билан ўтказётган мулоқот ва учрашувлари давомида кўтарилган масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки нуқтани назарга олиш талаби билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 2 та парламент сўрови юборилди.

Ўтган йил мобайнида фракция аъзолари томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфа-

атларини таъминлаш борасидаги ишларга жиддий эътибор қаратилиб, жойлардаги назорат-таҳлил тадбирлари, сайлов округларидаги ўрганишлар давомида аниқланган долзарб муаммолар юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига жами 37 та депутат сўрови юборилди.

Ҳисобот даврида жойлардаги тизимли муаммолар, қонун ва қонун-ости ҳужжатларнинг ижро этилиш ҳолати юзасидан тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари фракция мажлисларида доимий тарзда эшитиб борилди. Ўтган йил давомида бу каби фракция мажлислари сони 12 тани ташкил этди.

2021 йилда фракция томонидан бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, муҳим тармоқ ва соҳаларда мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқишга бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, фракция аъзоларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида жами 38 та тадбир, шу жумладан, 1 та конференция, 6 та семинар, 28 та давра суҳбати ташкил этилди.

Булardan ташқари, 50 мартаба фракция йиғилиши ўтказилиб, уларда 181 та масала қўриб чиқилди. Шундан 16 таси Президентнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ташқи сиёсат соҳаларидаги долзарб масалалар бўйича маърузалари, фармонлари ва қарорларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга, 135 таси қонун ижодкорлиги фаолиятига, 15 таси фракциянинг назорат-таҳлил фаолиятига доир, 8 таси ташкилий, қолган 7 таси эса бошқа масалаларга бағишланди.

Ўтган йил давомида фракциянинг жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўриш, мурожаатлар билан ишлаш ҳамда қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда одамларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва инobatга олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, фракция аъзолари томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда 30 мартаба назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, уларда жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қонун лойиҳаларининг ижро этилиш ҳолати, жойлардаги мавжуд тизимли муаммолар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиги атрофлича ўрганиб борилди.

2021 йилда “Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан сайловчилар билан учрашувларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, фракция аъзолари ўтган даврда 2 013 та хонадонга ташир-

буоришди ва 1 232 та учрашув ўтказишди. Учрашувларда 22 700 нафардан ортиқ электорат вакиллари иштирок этишди ва уларнинг 2 220 нафарга яқинини тадбиркорлар ташкил этди. Шу билан бирга, 603 та ижтимоий соҳа объектлари ҳамда 581 та маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти ўрганилди.

Учрашувларда сайловчилар томонидан мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётининг турли соҳаларига оид бўлган жами 1 931 та масала кўтарилди. Парламент вакиллари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли томонидан кўтарилган 881 та (45,7 фоизи) муаммо жойида ҳал этилди.

Қайд этиш жоизки, сайлов округларида депутатлар томонидан 3 800 нафардан ортиқ фуқаро қабули ташкил этилди.

Натижада фракция аъзолари ташаббуси билан сайлов округларидаги учрашувлар ҳамда ҳудудларда олиб борилган ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, одамларни бевосита қилаётган долзарб муаммолар ечимига қаратилган 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ўтган йили фракция аъзолари номига фуқаролардан жами 3 735 та, шу жумладан, 914 та ёзма, 2 821 та оғзаки мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 2 821 тасига ижобий ечим топилди ҳамда 1 228 та мурожаат қўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга юборилди.

Фракцияда партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳалари ва Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари юзасидан партиянинг қўйи тизимидан таклифлар олиш ва умумий позицияни шакллантириш йўлга қўйилди. Партия тизимида “Фракция – марказ – вилоят – туман” тартибиде ишлайдиган тизим жорий этилди.

Хусусан, ишлаб чиқилган тизим бўйича дастлаб фракцияга келиб тушадиган қонун лойиҳалари ва Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари бўйича фикр ва таклифлар олиш, амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилиш учун фракция ижрочи котиби орқали партиянинг Марказий аппарати тезкор тақдим этилиши, шу куннинг ўзида Марказий аппарат томонидан партиянинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига Қо-

нун лойиҳаларини етказиш белги-ланди. Шундан сўнг, партия экспертлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан таклиф ва тавсиялар берилиб, улар партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда ҳудудий кенгашлари томонидан умумлаштирилган таклифларни партия Марказий аппаратида юбориш амалиёти йўлга қўйилди. Ўз навбатида, партия Марказий аппаратида ҳудудлардан келган таклифларни умумлаштириб, фракцияга юбориш амалиёти жорий этилди.

Шу кунга қадар ушбу лойиҳалар доирасида фракция аъзолари ҳамда партия ходимлари жойларда ташкил қилинган кичик ишчи гуруҳлар билан биргаликда 120 та ҳудудга, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа вилоятлар туман ва шаҳарларига ташир буюриб, 20 минг нафардан зиёд сайловчи, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган аҳоли вакиллари ҳамда тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотлар ташкил этилди.

Фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ҳудудларда ўтказилган сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлари жараёнида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борилди.

Хусусан, ҳисобот даврида “Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан сайловчилар билан мулоқот қилиш ҳамда парламент фаолияти билан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ОАВда жами 6 659 мартаба, хусусан, телевидениеда 1 774 марта, радиода 565 мартаба, матбуотда 926 марта, интернет сайтларида 1 189 та таҳлилий мақолалари билан чиқишлар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида фракция аъзолари “Facebook” ижтимоий тармоғидаги ўз саҳифалари орқали сайловчилар билан мустақкам алоқа ўрнатган ҳолда, Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида уларни мунтазам хабардор қилиб борди.

Бу эса халқ вакилларининг қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларни кўриб чиқиш қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Санаб ўтилганлар, албатта, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг ўтган 2021 йилги фаолиятининг, эришилган ютуқларининг айрим қирралари, холос. Биз бу борада рўйхатни янада кенгайтиришимиз мумкин.

Ютуқлар – ўзимизники. Шу сабабли биз фаолиятимизга танқидий-таҳлилий кўз билан қараймиз, ўтган йилда эришилмаган айрим ижобий натижаларга бу йил, шубҳасиз, эришамиз деган азму шижоат билан янада самаралироқ, янада фидойиллик билан, замон ва давр талабига “лаббай”, дея жавоб берган қўйи ишлашда давом этамиз.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛАДИ

1 Юртбошимизнинг ушбу сайё-ҳаракатлари Ватанимиз келажаги учун қилинаётган улкан ғамхўрликнинг намунасидир. Айтиш жоизки, ўтган даврда Президентимиз ташаббуси билан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди, қисқа фурсатда юртимизда ҳаётнинг барча жабҳаларида туб бурилишлар йўлида дадил қадам ташланиб, мисли кўрилмаган ишлар рўй берди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга қадам қўйди.

Шунингдек, ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан бошланган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттиришга қаратилган, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эълон қилинди. Ушбу стратегия ҳам юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият этиб белгилангани билан аҳамиятлидир. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган «Инсон қадри учун» деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити яратишни назарда тутди. Жумладан, ўтган давр мобайнида ушбу тамойил асосида барча соҳада туб ўзгаришлар қилинди. Бу йилнинг номланиши ҳам айнан инсон қадри учун деган юксак ғоянинг замирида юзага келгани бежиз эмас. Юртимизда ҳар бир соҳада рўй бераётган ўзгаришлар, аввало, инсон учун яратилаётган қўлайликларнинг ёрқин ифодасидир.

Юртбошимизнинг янги йил муносабати билан йўллаган табригидан ўрин олган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, “Адолат” СДП барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайди ҳамда юртимиз тараққиёти йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этаверади.

Кутлаймиз

“Йилнинг энг фаол адолатчи аёли” танлови яқунланди. Танлов ғолиблари билан танишинг.



МУХИБА БАБАБЕКОВА,
партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши раиси



УЛБОСЫН СЕЙТЖАНОВА,
партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши “Аёллар қаноти” кенгаши раиси



ЗАМИРА АБДУЛЛАЕВА,
партиянинг Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



МАЛИКА АМАНОВА,
партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” фаоли

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ — МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛ

Депутат минбари

Маълумки, Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган, фуқароларнинг манфаатлари, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган стратегик ҳужжат ҳисобланади.

Бироқ Конституция қанчалик мукамал бўлмасин, у қотиб қолган ҳужжат эмас. Аксинча, у давр билан ҳамнафас ва уйғун равишда доимий такомиллашиб борадиган органик ҳужжатдир. Масалан, конституциявий ривожланиш борасида катта йўлни босиб ўтган Франция тарихига назар ташласак, бу ерда 1789 йил, яъни Буюк француз инқилобидан буён 5 марта республика низоми, 20 мартадан ортиқ Конституциялар қабул қилинганлиги кўрамиз. Ушбу мамлакатда энг сўнгги Конституция 1958 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида унга тадрижий равишда қўллаб-қувватлаш ва қўшимчалар киритилди.

Биргина XXI асрнинг ўтган йигирма йил давомида дунёнинг 90 га яқин давлатида конституциявий ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 50 дан ортиқ давлатда янги Конституциялар қабул қилинди.

Дунё мамлакатларидаги ушбу конституциявий ўзгаришлар, энг аввало, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талаб ва чақирқлари, хусусан, экология ва атроф-муҳит муаммолари, "яшил" тараққиёт, ахборотлашган жамият ва электрон ҳукуматни шакллантириш, рақамли иқтисодиётни барпо этиш, илмий-технологик ва инновацион ривожланиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини, айниқса, келажак авлод ҳуқуқларини таъминлаш каби масалалар билан chambарчаси боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан халқимизга йўнатиш билан табриқда "сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак"лиги ҳақидаги фикрларини сурганлиги айни муддаодир. Мамлакатимиз раҳбари томонидан тақлиф этилаётган конституциявий ислохотнинг давримизнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, у истиқболдаги тараққиётимизнинг зарурий шарт ҳисобланади.

Президент Конституцияга киритиш тақлиф этилаётган ўзгаришларни санаб ўтар экан, "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" принципини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича конституциявий нормани мустақамлаш масаласига ҳам устувор эътибор қаратди.

Шундай экан, аввало, ижтимоий давлатнинг ўзи нима, унинг қандай белгилари бор ва функциялари нималардан иборат, нима учун ушбу тамойилни мамлакат Конституциясига муҳрлаб қўйиш зарур, бу борада хорижий тажриба нима

дейди, каби саволлар туғилиши табиғийдир. Биз куйида шундай саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Ижтимоий давлат — бу давлатнинг шундай моделики, унда ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам бериш мақсадида моддий бойликларни қайта тақсимлашга қаратилган сиёсат юритилади.

Мухтасар айтганда, давлат ўз фуқароларига ғамхўрлик қилиши масъулият билан ёндашиши шарт. Зеро, ижтимоий давлат — бу бозор иқтисодиёти шароитида ўз фуқароларига муайян даражада фаровонлиқни кафолатлайдиган давлатдир. Бундай давлатда жамиятнинг ҳар бир эҳтиёжманд аъзосини ҳеч истисносиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими қарор топади, давлат фуқаролар фаровонлигининг муайян даражаси учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Ижтимоий давлатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар юқори даражада ривожланган бўлиб, унинг мақсади инсоннинг шахс сифатидаги имкониятларини тўла рўйбга чиқариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашдан иборат.

Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солувчи ҳокимият институти бўлиши давлатнинг табиғати ҳосидир. Бу ҳокимият давлатнинг ўз фуқароларига нисбатан ижтимоий ғамхўрлигини назарда тутаяди. Бу вазифа масъулият ва мажбуриятга айлансагина, давлат ижтимоий давлатга айланади.

"Ижтимоий давлат" тушунчасини илк бор 1850 йилда немис иқтисодчиси олими ва давлат арбоби Лоренс фон Штайн муомалага киритган. У давлатнинг муҳим функциялари рўйхатида "турли хил даражадаги барча ижтимоий табақалар учун ўз ҳокимияти орқали шахсий ҳуқуқларда мутлақ тенгликни таъминлаш"ни ҳам киритади.

Унинг фикрича, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўйиши лозим, пиروвард натижада бири(инсон)нинг ривожланиши, иккинчиси (давлат)нинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади.

Лоренс фон Штайн давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган ижтимоий қатламларни бой ва кучлилар даражасига кўтаришга ҳаракат қилишдан иборат, деб ҳисобларди.



Кодир Жўраев,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
сиёсий фанлар доктори

Ижтимоий давлатнинг белгилари нималарда кўринади? Аввало, аҳолининг даромадларини йирик мулкдорларга зарар етказмасдан қайта тақсимлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси таъминланади.

Бундай давлатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳамда фуқаролик жамияти қарор топади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тармоғи яратилади; давлат томонидан турли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади; ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун бирламчи зарурий шароитлар кафолатланади; ижтимоий сугурта бадалларининг ривожланган тизими жорий қилинади; бюджетни шакллантирувчи солиқларнинг ва ижтимоий соҳага тўловларнинг муайян миқдори таъминланади.

Ижтимоий давлатда, шунингдек, аҳолининг барча қатламлари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг ривожланган тизими йўлга қўйилади; ҳокимиятнинг бўлинишини ва давлат ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи ўз функцияларини аниқ амалга оширишини таъминловчи ривожланган ҳуқуқ тизими яратилади.

Ижтимоий давлатнинг функциялари ҳам ўзига хос бўлиб, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ишсизликка қарши курашиш, ёш тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш, аҳоли даромадларининг доимий ўсишини қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишни таъминлаш, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, ижтимоий сугурта тизимини кенг йўлга қўйиш, имтиёزلарни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш шуллар жумласидандир.

Бу борада халқаро тажрибага муро-

жаат қилсак, халқаро сиёсий ва ҳуқуқий тизимларда ижтимоий давлат икки хил, яъни билвосита ва бевосита кўринишда ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Билвосита кўринишда "фаровонлиқни таъминловчи давлат" ёки "умумфаровонлик ва хуррамликни таъминловчи давлат" каби тушунчалар орқали ижтимоий давлат тамойили Буюк Британия Конституциявий актларида, Италия Конституциясида мустақамлаб қўйилган.

Бевосита кўринишда "ижтимоий давлат" тушунчаси 1949 йилги Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Унга қўра, Германия "демократик ва ижтимоий федерал давлат", деб эълон қилинган.

Шунингдек, Франциянинг 1958 йилги Конституциясида "бўлинмас, дунёвий, ижтимоий, демократик республика", Испаниянинг 1978 йилги Конституциясида эса "ҳуқуқий, демократик, ижтимоий давлат" тамойили ўз ифодасини топган.

Асосий қонунларида "умумфаровонлик давлати", "фаровонлиқни таъминловчи давлат", "ижтимоий давлат" тушунчалари қўлланилган қўллаб-қувватлашдан фарқи ўлароқ, Россиянинг Конституциясида ушбу тамойилнинг мазмуни кўйидагича ифодаланган: "Россия Федерацияси — сиёсатининг мақсади инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий давлатдир".

Таъкидлаш жоизки, гарчи "ижтимоий давлат" тушунчаси шу пайтга қадар Конституциямизда ўз аксини топмаган бўлса-да, бироқ ҳозирги кунда Ўзбекистон раҳбари томонидан олиб борилаётган халқлик сиёсатининг мазмун-моҳияти ана шу тамойилга тўлиқ мос келади.

Зеро, олиб борилаётган барча ислохотларнинг замирида ҳазрати инсон омили ётади. Ҳозирда мамлакатимизда Давлат бюджетининг қарийб 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Қолаверса, "давлат инсонга хизмат қилиши даркор", "инсон қадрини ҳамма нарсасдан устун", "одамларнинг розилигини таъминлаш — ҳар бир давлат хизматчисининг бурчи" каби асосий ғоялар замирида ҳам ана шу дастуриямал тамойил ётганини кўрамиз.

Бугун ҳаётимизга "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" каби ижтимоий ҳимоянинг дунёда мубоқабали йўқ бекиёс кафолатли тизими яратилгани, бу тушунчаларнинг кириб келиши орқали эҳтиёжманд кам таъминланган ва кўмакка муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар турмуш тарзида туб ўзгаришлар бўлаётгани барчамиз гувоҳимиз.

Бу давлатимизнинг ўз фуқаролари ҳаёти, бугуни ва эртаси учун бефарқ эмаслигининг яна бир ёрқин ифодаси десак, асло муболага бўлмайд.

Шу боис, Президентимизнинг "ижтимоий давлат" тамойилни янгиланадиган Бош қомусимизда муҳрлаб қўйиш ҳақидаги тақлифи мантқан тўри ғоя бўлиб, у бир томондан, жаҳондаги илғор мамлакатларнинг конституциявий тажрибаларига, иккинчи томондан эса, ҳозирги кунда давлатимиз юритаётган ижтимоий йўналтирилган, халқчил ва инсонпарвар сиёсатга тўлиқ мос келади.



Исаев СУЛМОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ТАФАККУР ДЕМАКДИР

2021 йил муҳим воқеаларга, ютуқ ва зафарларга бой бўлди. Шулардан энг муҳими — мамлакатимизда Президент сайлови бўлиб ўтди. Барчамиз октябрь ойида юртимиз келажакка, Янги Ўзбекистон равнақига ва Учинчи Ренессанс учун амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига овоз бердик.

Шунингдек, 2021 йил тўла маънода ҳазрат Алишер Навоий йили бўлди, деб айта оламиз. Давлатимиз раҳбарининг "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига қўра, тантаналар йил бўйи давом этди.

2021 йилда ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган "Алишер Навоий" номли романим чоп этилди ва кенг ўқувчилар оммасининг эътирофига сазовор бўлди. Халқимизнинг у кишига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг ифодаси ўлароқ, камтарин меҳнатларим юксак баҳоланиб, "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" фахрий унвонига мурасид бўлиш насиб қилди. Албатта, бу эътироф бир менинг эмас, аввало, юртимизда барқ ураётган янгиланишнинг натижаси, адабиётимизга бўлган юксак эътиборнинг самараси, деб биламан.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илхом" жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган "Йилнинг энг яхши асари" республика танловида "Алишер Навоий" романи "Энг яхши насрий асар" мукофотиغا лойиқ деб топилганидан ҳам хурсандман.

2022 йил режаларига келсак, аввало, шу азиз Ватаннинг бир фуқароси сифатида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига қўлдан келганча ўз ҳиссамни қўйиш орсусидаман. Шонли тарихимизнинг улғ мутафаккирлари, олимлари, шоирлари, шунингдек, бугунги кунимиз қаҳрамонлари ҳақида янги асарлар яратиш ҳар кимнинг ҳам орсуси. Чунки бадиий асар ҳам тарих ҳисобланади. Биз билган тарих фани фактлардан, асар эса маълум даврда яшаган кишилар қалбидаги ҳиссиётлардан ҳикоя қилади. Янги йилда янги мушоҳада ва ифода усули чақнаб турган асарлар ёзилишини кутаяман. Янги Ўзбекистон — янги тафаккур демокдир.

Шу тафаккур тарзи асарларда акс этиши давр талаби, албатта.

Тиллақларимиз эса, бутун халқимизни кутаётгани каби: юртимиздаги янгиланишлар мўл-кўл хайру баракалар олиб келсин, улғуфур устозлар, дўсту биродарлар, ака-сингиллар эзгу ниятларига зиёдаси билан эришишин, шодиёна кунларда фарзандлар камолини кўриб, дийдорлашиб барчамизга насиб қилсин.

Таълим

ТИЛ БИЛМОҚ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

Ўзбекистонда 2012 йилга қадар тил ўрганиш тизимимиз фақатгина грамматика ва луғат бойлигини оширишга қаратилган эди ва бу ўқувчиларда «бегона» тилни нутқда қўллаб олиш кийинчиликларини келтириб чиқарарди, тил ўрганиш жараёни узоқ вақтни ташкил қиларди. Бугун эса юртимиздаги минглаб ёш йигит-қиз ўз келажакини бир неча тилларни мукамал эгаллашда, деб билмоқда.

Албатта, бу жараён узоқ давом этади. Негаки, тил билиш, биринчи навбатида, коммуникатив компетенцияларни эгаллаш дегандир. Тил оғзаки ва ёзма нутқ, ўқиш ва тинглаб тушуниш каби компетенциялардан ташкил топган, шунингдек, оғзаки ва ёзма равишда мулоқот қила олиш учун ўрганилади, луғат бойлиги ва грамматикани билиш эса тушуниш ва мулоқот учун хизмат қилади. Лексик ва грамматик билимлар коммуникатив компетенциялар орқали текшири-

лиши мумкин, яъни инсоннинг оғзаки ва ёзма матнларни қай даражада тушуниши, ёзма ва оғзаки нутқини баҳолаш орқали унинг сўз бойлиги ва грамматик билимлари тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам хорижий тиллар бўйича халқаро миқёсда тан олинган барча имтиҳон тизимлари — инглиз тили бўйича IELTS, TOEFL ёки Cambridge Exams, немис тили бўйича TestDAF ёки Goethe-Zertifikat, француз тили бўйича DELF ёки DALF ва бошқалар

— айнан нутқ малакаларини текширади.

Янги методлар, хорижий имтиҳон тизимлари, ташкил қилинаётган амалий курслар ўрганивчининг тилни аутентик материаллар ёрдамида ўрганиш, тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланишини, мулоқот орқали такомиллашиб боришини ва осон ҳамда тез ўрганиш имкониятини бермоқда.

Бозор шароитида энг яхши сифатни таъминлаш механизми — бу «талаб ва тақлиф заңири». Яъни, шахсий, таълимий ёки касбий мақсадларда хорижий тилларни ўрганишга бўлган табиий эҳтиёж ва бу эҳтиёжни қондириш учун мос методика, китоблар, ўқув муассасалари, тест тизимларини танлаш имконияти. Давлатнинг вазифаси эса — адолатли, очиқ, соғлом рақобат учун тенг имкониятларни таъмин-

лаш ва сифат талабларига риоя этилишини холис назорат қилишдир. Хорижий тилларни ўқитиш ҳам ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, хусусий секторда, таълим-тарбия муассасаларида, индивидуал тарзда ўргатилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам натижа талаб қилинмоқда. Натижа эса маълум. Чет тилида эркин мулоқот қила олиш қобилиятини шакллантириш ва жаҳонга рақобатбардош кадрларни етиштириб бериш, хорижда таҳсил оладиган ёшларимиз сонини кескин ошириш ва дунёга очилиш. Шу мақсадлар доирасида олиб борилаётган сиёсат, чиқарилаётган қарор ва қонунлар ўз натижасини кўрсатса ва тил ўрганиш имкониятлари кенгайса, ўз ишининг усталари бўлган мутахассислар тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5117-сонли қарори хорижий тиллар ўқитувчилари ва талабалари учун ўз мақсадлари йўлида олға қадам ташлашлари ва тил кўникмаларини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари учун руҳий кўмак бўлди.

Қарорга қўра 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларининг камида С1 даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тил ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойда 50 фоиз миқдорда қўшимча устама ҳақи тўлаб борилади.

Хорижий тилларни ўқитиш масаласи Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари учун муҳим ташаббуслардан бирига айланди. Бу амалий ишлар натижасида тил ўрганивчилар турли ютуқларга эришиб келишмоқда. Жумладан, Хорижий тиллар факультети бакалавр босқичи талабаларидан 200 га яқини турли халқаро ва миллий сертификатларни қўлга киритишди.

Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ёш авлоднинг чет тилларига ўқитиш сифатини яхшилаш, чет тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида чет тилларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими жорий этилган. Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларини ўзлаштириш даражасини давлат таълим стан-

дартларида белгиланган «Тинглаб тушуниш» (Listening), «Ўқиш» (Reading), «Ёзиш» (Writing), «Говориш» (Speaking) кўникмалари асосида баҳолаб бориш механизми ишлаб чиқилган.

Бухоро давлат университети хорижий тиллар факультетида профессор-ўқитувчилар учун дарсдан ташқари вақтда тегишли мутахассислик фанларини чет тилида ўқитиш бўйича хизмат кўрсатидиган курслар ташкил этилган. Тил ўрганишни хоҳловчи талабалар учун мулоқот даражасида тил ўргатиш бўйича интенсив курслар фаолияти йўлга қўйилган, мутахассисликлар бўйича атамалар луғатлари яратилган, чет эллик етакчи мутахассислар ўқув жараёнига жалб этилган, мутахассислик фанлари бўйича чет тилларида маърузалар ташкил этиш учун имконият яратилган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустақам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди.

Оттабек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Бухоро давлат университети
кафедра мудир,
Мехрингор АХМЕДОВА,
доцент

ЙИЛНИНГ ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Янги йил байрами шуқуҳи кезиб юрган фарахбахш кунларда мамнуният билан айта оламизки, ўтган 2021 йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида оммавий ахборот воситалари бугунги реал воқеликларни очик-ойдин ёритиш билан чекланиб қолмасдан, бизни истиқболда нималар кутаётганини яққол тасаввур қилишимизга ҳам қўмақлашмоқда ва эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Тан олишимиз керак, кейинги беш йилда журналистикада рўй берган ўзгариш, янгиланиш ва ривожланишларни илгари тасаввур этиш қийин эди. Соҳа ва унинг вакиллари кенг эркинликлар берилиши журналистларга кўтаринкилик бағишлаши баробарида уларда замон билан ҳамнафас бўлиш, бир қадам олдинда юриш ҳисси ва масъулиятини оширди.

Биргина 2021 йилнинг ўзида Президент фармонида биноан 100 нафарга яқини ҳамкасбларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари, 503 нафар журналист "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирлангани ҳам оммавий ахборот воситалари ходимларига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг ёрқин далилидир.

Барчамиз бундан давлатимиз раҳбари томонидан оммавий ахборот воситалари ходимларига билдирилган юксак ишонч деб қабул қиламиз. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини холис ва тезкор ёритиб бориш, халқимизга етказиш ҳар биримиздан зимманимиздаги масъулиятли вазифани чуқур ҳис қилишни талаб этади.

Албатта, бугунги кунда айрим босма даврий нашрларнинг адади кескин камайиб бораётгани, мураккаб молиявий ҳолатга тушиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Ана шундай шароитда мамлакатимиздаги нуфузли нашрлардан бири



Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

— "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси ўтган йили ҳар ҳафта 20 мингдан зиёд нусхада чоп этилди. Шу ўринда, газета номига яраша жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, адолатни қарор топтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини, таълим, тиббиёт, маънавият, маърифат соҳаларини ёритишда жонбозлик кўрсатаётгани, саҳифаларида мунтазам танқидий-таҳлилий мақолалар бериб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

2021 йил ҳар қанча ютуқларга бой бўлса-да, биз янги — 2022 йилда янада кўпроқ муваффақиятларга эришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу аксиома — исбот талаб қилмайдиган оддий ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари учун ҳам янги йилнинг қадами қутлуғ бўлишини, матбот том маънода жамият кўзгусига айланишини тилаймиз.

Ҳар йилнинг ўзига хос таровати, шуқуҳи бўлади. 2021 йил, гарчи бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам пандемия давом этган, унинг янги-янги турлари ҳаётимизга чанг солган бўлса-да, у қалбимизга қувончли кунлари, ютуқлари, қўлга киритилган муваффақиятлари билан муҳрланди. Энг аввало, мамлакатимиз аҳолиси, халқимиз ҳар қандай оғир пандемия шароитида ҳам уни сабр билан, ақл-идрок ва тиббий тайёргарликлар, темир интизом билан енгиб ўтиш имконига эғалигини намойён қилди. Қолаверса, пандемия шароитида кам талофат кўрганимиз таъбат соҳасидаги ютуқларимизнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Давлатимиз пандемияга қарши кураш борасида ўтган йилда катта ишларни амалга оширди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу иш учун юртимизда 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу захира ҳисобидан бутун мамлакатимиз миқёсида пандемияга қарши эмлаш тадбирлари бепул йўлга қўйилди. Халққа нисбатан бундай саховат ҳамма мамлакатларда ҳам амалга оширилганини яши биламиз.

Тан олиб айтишимиз керакки, республикамизда собиқ шўролар даврида соғлиқни сақлаш тизими, тиббий хизмат кўрсатиш, таъбат соҳасига инновацион янгиланган жалб этиш борасида ниҳоятда орқада қолган эди. Уша пайтлари биз касалларни бутунлай соғайтириб, соғлом ҳаётга қайтаришга эмас, уларни вақтинча даволашга, оёққа қўйишга интилардик.

Натижада мамлакатимизда йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимида беҳисоб муаммолар юзага келди. Бу муаммоларни ҳал қилиш осон эмас эди. Шунинг учун юртимиз мустақилликка эришганидан кейин соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш биринчи навбатдаги вазифалардан бирига айланди. Эътибор беринг, республикамизда ҳар бир йилга ўзига хос ном бериш анъанаси мавжуд. Бу анъанга мувофиқ ном берилган йилларнинг аксарияти соғлиқни сақлаш билан боғлиқ. Шу маънода ўтган йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб белгилангани ҳам бежиз эмас.

Ўтган йилда ҳомиладор аёллар ва 15 ёшгача бўлган болаларга 7 турдаги витаминлар, шунингдек, турли паразитик касалликларга қарши дорилар бепул



Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

тарқатилди. Бунинг натижасида ёшлар ва аёллар қанча касалланишлардан фориғ бўлди, ўзларининг куч-қувватларини тиклаб олдилар. Шу билан бирга, камқонлик, анемия касаллигига чалинганларни даволаш ва бу касалликнинг келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида тиббий текширишлар кенг йўлга қўйилди. Бу текширишлар натижасида қайси касалликлар инсонлар учун қийинчиликлар туғдираётганига эътибор қаратилди. Айтайлик, республикамизда айни пайтда 12 мингдан ошди инсон оқ қон ва оғир ирсий гематологик касалликларга, 5 мингдан ортиқ одам ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлганлиги аниқланди. Ёхуд кейинги йилларда ўткир қон-томир касалликларига чалиниш ҳолат-

лари кўпаяётганлиги кузатилди. Натижада ушбу йўналишларда соғломлаштириш мажмуалари, марказлари бунёд этилди, улар замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

Шу ўринда эндиликда шифохоналар, поликлиника, клиника ва барча соғломлаштириш марказлари электрон иш юритишга, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина алоқаларини йўлга қўйишга киришилганидан беҳад хурсандимиз. Ахир биз тиббиёт соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланишни қанчалар интиқ бўлиб кутдик.

Хуллас, 2021 йилда ҳар бир инсон ва халқ соғлиғи — юрт бойлиги эканлиги гоёяси ҳаётимиз аъмолига айланди. Бу олижаноб гоёяни амалга ошириш кириб келган 2022 йилда ва келгусида ҳам изчил давом этишига ишонамиз.

Депутатнинг бир куни

ХАЛҚ ВАКИЛИМАН ДЕБ ЮРГАНИМДАН УЯЛДИМ...

Андишани, ориятни ҳар нарсадан устун қўйган халқимизда "кўз-кўзга тушади" деган бир нақл бор. Ўйлашимча, бу кўп вазиятларда бизнинг зараримизга ҳам ишлайди. Депутатликка сайланганимдан буён фаолиятим давомида Жомбой тумани аҳолисининг жуда кўпи билан сўхбатлашдим, муурожаатларини тинглаб, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга, муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилиб келмоқдам. Сўз бошида бежизга "кўз-кўзга тушади" деган иборани ёдга олмадим, учрашувлар мобайнида аксарият фуқаролардан сизга бирор ёрдам керакми деганимизда, минг истихолода "Депутат синглим, айтсам халқ орасида "ёзувчи" деган дашномга қолиб кетишдан қўрқаман-да", қабилидаги гапларни эшитаман.



Албатта, орамизда "ўзининг ҳақини талаб қилувчи" қўштирноқ ичидаги "ёзувчи"лар ҳам бор. Яқинда бўлиб ўтган воқеа менга очикчасига ўшандай "ёзувчи"лар билан юқоридаги ўз ҳақини талаб қилишга ййманадиганлар орасидаги фарқни яққол кўрсатиб берди.

Барчамиз иссиқ жонмиз. Совуқ кунлар тушиши билан иссиқ бошпана томон ошиқамиз. Аммо бу имконият ҳаммада ҳам борми? Фуқаролар билан сайлов ҳудудидаги муаммоларни ўрганиш, уларни қонунийликдаги янгиланган билан таништириш, ҳуқуқий саводхонлик бўйича тушунчалар бериш мақсадида "Оқ олтин" маҳалла фуқаролари ййғинидаги аҳоли билан учрашувга ошиқдим. Учрашув бошланишидан аввал менга ҳамроҳлик қилган маҳалла раисининг ўринбосари тақлифи билан кишлоқнинг чекка ҳудудидаги хонадонларга бордик. Бир хонадонда икки опа-сингил яшашар экан. Иккиси ҳам қирқдан ошган. Боқувчиси йўқ, турмушга чиқмаган, яқинларидан

фақат укаси бор. Уканинг ҳам топиш-тутиши ҳаминқадар, ўзининг рўзгоридан ортмайди.

Хонадоннинг ташқи кўриниши ҳаминқадар, ичкарига юзландик, икки хона ва бир даҳлиздан иборат уйнинг на шифти-патологи бор, на гилам, ва на кўрпа-ёстиғи. Кираверишга тўшалган кичкина шолча-гилам эътиборимни тортиди. Улар билан бўлиб ўтган сўхбат жараёнида бу шолча-гилам опа-сингиллар учун тўшақ, эски кийим бошлардан қўлбола тайёрланган қоп эса ёстиқ вазифасини бажариши маълум бўлди. Бисотидаги битта катта кўрпа эса кўшнинг "ҳадяси" экан.

Ҳамроҳимга ич-ичидан эзилиб тикиламан. У киши опа-сингил "Аёллар дафтари"да рўйхатда туришини, уларга маҳалла томонидан қўмак берилаётгани, саховатли кишилар, ҳомийлар томонидан озиқ-овқат ва бошқа зарурий нарсалар билан таъминланиб келинаётгани, яқинда уларга пиширик пичи тақдим этилгани, бу опа-сингиллар "ёзувчи"лардан эмаслигини, муурожаат қилишга

истиҳола қилишини, депутатнинг учрашуви бўладиган вақтда ҳам келиб тақлиф этишганида боришганини ва яна нималар ҳақидадир гапирди.

"Қўлдан берганга қўш тўймас", деган гап бежизга айтилмаган. Берилаётган маҳсулотлар уларнинг яшаш учун кифоя қилмайди, албатта. Кечаси қаерда тунаши ҳақида қизиқдим. Ахир иситиш тизими бўлмаган уйда қандай яшаш мумкин?!

— Уйни иситиш учун қўлбола печка ўрнатиб, олов ёқиб кўрдик, — дейди улардан бири. — Шифтлар очик, иссиқликни дарров тортиб кетади. Уйни иситишнинг иложи бўлмади. Аммо биз бу ерда — ертўлада ётамиз! У ер анча иссиқ! Мана, қаранг, пастга пишик ёштдан териб олганмиз, устига селюфан тўшаб, шолча-гиламини тўшаб ётамиз. Жой кичик бўлгани учун тез совиб кетмайди.

Бўғзимга нимадир тиқилди... Ўзимни халқ вакили деб кўрақ кериб, бир-иккита муаммонинг ечимидан кўмақлашганимга масрур бўлиб юрганимдан уялиб кетдим...

"Ийгламаган болага эътибор йўқ", дея юрареган эканмиз... Таажубланасан киши, наҳотки, хали ҳам, ҳозирги замонда ҳам орамизда шундай инсонлар бор!

Шуқрки, бугун давлатимиз раҳбари томонидан биз, депутатларга ишонч билдирилиб, жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Муҳтарам Юртбошимизнинг биргина "Депутатга беписандлик — бу халққа беписандликдир", деган халқчил иборалари барча депутатларга куч берди, десам янглишмайман. Ушбу ваколат ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ.

Опа-сингиллар ҳолати бугун қандай деб қизиқаётгандирсиз. Ҳа, бугун бу икки опа-сингил туманда ташкил этилган ижтимоий уйларга жойлаштирилди. Энди уларнинг ҳам иссиқ турар жойлари бор.

Комила УМАРОВА,
халқ депутатлари
Жомбой туман Кенгаши депутати

ЧИНОЗ ТУМАНИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

қўпмиллатли халқимизни

*Янги йил байрами билан самимий табриклайди.
Янги йилда барчамизнинг ниятимиз, тилагимиз битта:
юртимизда яшаётган ҳар бир инсон
мурод-мақсадига етсин!
Дастурхонларимиздан файз-барака аримасин, орамиздан
меҳр-оқибат кўтариламиз!*



*Яна бир бор
Янги йилинги
қутлуғ бўлсин!*

Қўлов.



Мухтарима УЛУГ'ОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Китобингизни ўқидим

Таниқли тилшунос олим Иброҳим Йўлдошев навбатдаги китобини “Химматнинг қиймати” деб номлабди. “Фан зиёси” нашриёти томонидан чоп қилинган ушбу китобнинг номи ҳар қандай китобхонни ўйлантирса ажаб эмас. Негаки, химмат билан қиймат сўзлари, гарчи оҳангдорлик жиҳатидан ўзаро яқин бўлса-да, маъно жиҳатидан бир-бирига зид келади. Чунки химмат инсон қалбига энг олижаноб мақсадларнинг, саховат, мурувват, эзгулик, марҳаматнинг амалий ифодаси ҳисобланади. Қиймат эса ўлчов, баҳо маъноларини билдиради. Одатда, химматнинг ўлчови, катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Бу бир қарашда шундай! Аслида эса унинг ҳам ўзига хос ўлчови бор. Химмат инсонийлик, олижаноблик, меҳр-муҳаббат, бағрикенглик каби улугвор инсоний хислатлар тарозусида тортулади.

ОЛИЙҲИММАТЛИК САБОҚЛАРИ

Шунинг учун ҳам муаллиф китобнинг кириш қисмида “Рисолага ном бериш борасида кўп ўйладим, ёру дўстларим билан маслаҳат қилдим, турли номлар тавсия қилишди. Барибир, шу номни қолдиришга қарор қилдим. Сабаби — ушбу рисола ни ўқиганингизда бунга тўлиқ англаб етсангиз керак, деб ўйлайман. Китобга бундай ном қўйишимнинг асосий сабаби Навоий бобомиздан олган илҳомларим бўлди. Мен олдинлари ҳам ул ҳазратимнинг кўп асарларини ўқиганман. Бу сафар эса яна синчковлик билан ўқишга ҳаракат қилдим. Ҳар сафар қайта-қайта ўқиганим сари асарларининг янги-янги қирралари очилаверди. Буюк бобомизнинг саховат, химмат, қарам, мурувват, марҳамат, қаноат, сабр, нафс каби инсоний хислатларига, айниқса, катта эътибор қаратганликларини теран англаб бошладим. Агар изоҳли лугатларимизга қарасак, юқорида санаб ўтилган сўзларнинг маъно кўлами бир-бирига яқин. Уларнинг барчаси яхшилик қилиш, раҳм-шафқат, кўли очиклик, ўзгалар манфаати йўлида ёрдамини аямаслик, меҳрибонлик, байрли иш, эзгулик каби маънолари билан бир-бирларини тўлдирдилар. Шу сабабли ҳам бу китоб учун умумий ном сифатида химмат сўзини танладим”.

Улуғ мутафаккир бобомиз бошқалардан кўра улугворроқ сўзларни айтган. У “Маҳбуб ул-қулуб”да бундай деб ёзади: “Саховат инсоният боғининг серҳосил дарахти, балки у дарахтининг фойдали мевасидир. Саховат одамийлик мулкнинг мавж уриб турган денгизи, балки у сермавж денгизнинг бебаҳо заҳаридир. Саховатсиз одам — баҳорнинг ёмғирсиз булутига ва ҳиди йўқ мушки анбарга ўхшайди... Саховат фақат химмат аҳлида бўлади ва бу улуг сифат покиза кишиларга ҳосидир. Одам бир бадан бўлса, химмат унинг жонидир. Химматлилардан олам аҳли учун юз минг шароф ва шукуҳ етилади. Химмат эгаси қашшоқ бўлса ҳам тубанлик қилмайди. Химматли кишиларнинг даражаси юксакдир, аммо саҳийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир”.

Улуғ шoirнинг бу сўзларидан инсон том маънода қарам ва саховат эгаси бўлмоғи керак, чин саховат ҳеч қачон ҳеч қимдан ҳеч нарса кутмаслик, таъма қилмасликдодир, деган маъно қилиб чиқади. Бошқачароқ айтганда, инсоннинг улуглиги унинг химматида билинади, химмат эса миннатга айланмаслиги керак. Алишер Навоий ҳар бир асаридан инсонни улуглар экан, уни химматли, саховатпеша бўлишга ундайди: Тухм ерга кириб, чечак бўлди, Қурт жондин кечиб, илак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқму?! Пилла қуртича химматинг йўқму?! Иброҳим Йўлдошев китобида Алишер Навоийнинг “Лисон ул-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳайратул аброр” “Вақфия”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарларини таҳлил қилади. Улардаги саховат, қарам, саҳийлик, химмат борасидаги мақолатларидан, ҳикоятларидан, бобларидан парчаларни китобхонлар эътиборига ҳавола этади.

Мутафаккир шoir нафақат асарларида инсонларни ана шу улуг хислатлар эгаси бўлишга чақиради, балки ҳаётда унинг ўзи саховатпеша бўлишга чақиради. Бундан давларларда саховатпеша



шлик, олийҳимматлилик, саҳийлик бобида ибрат кўрсатган. Маълумки, улуг шoir умри давомида Хуросон мулкида 1001 та иншоот тиклашни ва улардан бу ердаги халқлар фойдаланишини ният қилган. Шу мақсадда каналлар қаздирган, роботлар қурдирган, карвонсаройлар барпо эттирган. Фақат Ҳиротнинг ўзида бир неча мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, шифохонлар тиклатган. Жами қурдирган иншоотлари сони салкам 500 тага етган. Бу иншоотлардан ҳамнинг тенг асосда фойдаланиши учун имкониятлар яратган. Қурдирган мадрасалари учун ўз ҳисобидида ерларни вақф қилиб берган. Вақф пуллари мадрасалардаги мударрислар билан бирга талабаларга ҳам берилган. Шифохонлардаги табиблар учун маблағлар ҳам шoir ҳазинасидан тўланган. Ушбу маблағларни тўлаш тартиблари, ҳуқуқий асослари унинг “Вақфия” асаридида аққол акс эттирилган. Саховатпешалик, химмат борасида Алишер Навоий ўз даврининг пешқадамларидан бири бўлган. Булар ҳусусида ўша даврнинг етук муаррихларидан бири Хондамир ўз асаридида муфассал маълумот берган. “Химматнинг қиймати” муаллифи китобида Алишер Навоий шахсияти, шеърляти ҳақида сўз юритар экан, ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратган.

Шунингдек, китобда Абу Райхон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хондамир каби улуг шахсларнинг мурувват, қарам, олижаноблик, олийҳимматлилик борасидаги фикрлари таҳлил қилинади, уларнинг инсонийлик хислатлари улугланади. Асарда айни пайтда академик Азизхон Қаюмов, Зарифа Саидносирова, Кирбиё Қаҳҳорова, Мунирхон домгула, боғбон Аҳмаджон ака қабиларнинг саховат, қарам, химмат борасида амалга оширган ишлари эҳтиром билан эсланади.

Бугун давларларда саховатпеша

Камол МАТЎҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗ КЕЛАЖАККА КЎПРИК

Яқунланган қадрдон йиллимизнинг 24 август куни, тунги соат ўн бирга яқинлашиб қолганди. Телефоним жиринглади. Ҳамкасб жамоадoshiларимдан бири кўнғироқ қилаётганди.

— Опа! — деди у худди кунга-кундуз кунга кўчада учрашиб тургандек. — Муборак бўлсин энди!

Яқинда республика “Нуроний” жамғармаси кўпчилик қатори мени ҳам “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаганди. 25 август куни эрталаб бу мукофотни топшириш маросимига таклиф этишганди. Жамоадoshiм шу ҳақда гилрияпти, деган ўй ўтди ҳаёлимдан.

— Раҳмат, — дедим. — Кўпчилик қаторида мени ҳам кўкрак нишонига лойиқ қўришибди, Аллоҳга шуқр...
— Ҳа-а, жуда хурсандимиз, — гапимни бўлди суҳбатдошим. — Лекин сизга бунданам катта мукофот — “Меҳнат шуҳрати” ордени Президентимизнинг ўзлари бериб турибдилар-ку!
Тўғриси, нима дейишни билмай қолдим. Аҳволимни тушуниш ҳамкасбим, гўё ўзи мукофот олгандек, худди ёнгинамда юзма-юз турган каби кўтаринки кайфиятда давом этди:

— Мана, ҳозиргина ижтимоий тармоқларда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги олдидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг энг муносиб юртдошларимизни мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги фармони эълон қилинди. Сизнинг фамилиянгиз Улуковани ўзи?
— Ҳа, ҳужжатимга Улукова деб эмас, Улукова деб ёзиб қўйишган...
— Бўпти-да. Ижтимоий тармоққа қаранг, опа. Муборак бўлсин! Жуда хурсандимиз!
Ижтимоий тармоққа кирдим, яширмайман, аввало, ўзимнинг исми фамилиямни топиб ўқидим. Кўзларимдан ёш қуйилиб келди. Кейин тақдирланган рўйхатини бир бошдан ўқий бошладим. Ундаги шахсларни кўз олдимга келтирганим сайин қалбим тўлқинланди: жонажон Ўзбекистонимиз фани, иқтисоди, қишлоқ ҳўжалиги, маданияти, ҳуллас, барча соҳаларнинг ривожига — дунё афкор оммаси кўз ўнгида қадди, қадри юксалаётган Янги Ўзбекистоннинг мустақкам пойдеворини яратишга катта ҳисса қўшаётган салохиятли олимлар, фидойи ишчи-хизматчилар, заҳматқаш миришкор деҳқон ва чорвадорлар, устозлару тиббиёт ходимлари, ижодкорлар, санъаткорлар қаторида эътироф этилганимдан хурсандчилор, бахтиёрлигимга “Бундан ҳам яхшироқ ишлашим, ташаббускор бўлишим мумкин эди-ку!” деган фикр қўйилиб, кўзимдан қувонч ва масъулият эътирофи сифатида ёшлар қуйилиб келди.

Ёш болага ўхшаб тонг отгунича ўша рўйхатни қайта-қайта ўқирганим, кўз ўнгимдан умримнинг меҳнат фаолияти билан боғланган ярим асрга тенг даври ўтди. Онажонимнинг: “Токи ўзинг ақлу фаросатинг билан энг муҳим, керакли ишларни топиб-топиб қилмагунингча яхши гап зийтмайсан”, деганлари; отажонимнинг: “Номинг яхшилар қаторида тилга олиниши ҳам катта бахт. Сенга ишонан одамларнинг юзини ҳеч қачон ера қаратма”, деган ўғитлари; устоз Зулфияхонимнинг: “Журналист, қаламкаш аёл аёл зотининг дардини, қалбини тушунамаслиги, керак бўлганда унга ёрдам қўлини чўзмаслиги мумкин эмас”, деган таъкидлари... эҳ-ҳей, яна қанчадан-қанча ажойиб инсонларнинг ибратлари, тажрибаларини ўратганлари, қўллаб-қувватлаганлари, ўрни келганда аччиқ сабоқ — меҳр берганлари дилдан ўтди. Шундай инсонларга фарзанд, шогирд, издош этган Аллоҳга шуқр, ўтган аълоларимизни раҳматларга фарқ этсин, жойлари жаннатда бўлсин!

Мисоли мевали дарахт ниҳолни қачонлардир бир мурувватли, саховатли, эзгу ниятли инсон экиб кетган-у унинг мевасидан йиллар ўтиб нафақат унинг зурриётлари, балки теваарак-атрофдагилар ҳам баҳраманд бўлгани каби, ҳар биримиз олган билимимиз, ўрганган хунаримиз — меҳнату ижодимиз билан эл-юрт ободлиги, тўқинлиги, тараққиётига сидқидилдан ҳисса қўшсак, иншааллоҳ, аждодлар руҳи шод бўлади. Айни шундай ният ва унинг ижобати учун сабъ-ҳаракат билан бизнинг ҳаётимиз ҳам келажакка кўприк бўлса, Зулфияхоним мухтасар айтганларидек, “Шу-да, бир яшаш!”.

Янги йил аввалида ўтган йилимиз билан боғлиқ менинг ўзимгагина тааллуқли бўлган воқеани эслашим боиси... аввало, ҳақиқатан ҳам, 2021 йил умр китобимнинг нури саҳифаси бўлиб қолди. Худди шунингдек, юртдошларимизнинг меҳнати, илму ижоди, санъатининг қадрлини, юксак баҳоланиши, рағбатлантирилиши, халқимизнинг ҳар бир вақили ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун Юртбошимиз, ҳукуватимизнинг ғамхўрлиги, эътибори, амалга оширилган изчил амалий тадбирларнинг чиройли натижалари — самараларини ҳар кун ҳар йилгидан ҳам кўпроқ, кенгроқ ва ҳўброқ кўриб, ҳис этиб турибмиз. Тинчлик-осойишталик юртимизда, қалбларимизда барқарор бўлсин. Мусаффо осмонда бу йил халқимиз бир тан, бир жон бўлиб қўлга киритган иқтисодий ривожланишлар, маънавий-маърифий-маданӣ юксалиш сари қадамлар бардавом бўлсин. Янги йилнинг янги — яна бир поғона баланроқ зафарларига бу йилимиз муносиб зинапоя бўлғай, иншааллоҳ.

Очигини айтганда

МАҚСАД МАСХАРА БОЗЛИКМИ?



Бугун зангори экранларда намоиш этилаётган, ўзбек кино ижодкорлари томонидан суратга олинаётган сериалларнинг сон-саногӣ йўқ. Аммо сифати-чи?.. Афсус, бу борда ҳаққоний фикр айтилмаётган. Балки шу сабаб сонига эътибор қаратилиб, сифат масаласи бир четда қолиб кетмоқдадир. Кимўзарга киносернал олаётганлар кимларгадир тақлид қилиб, уларнинг киём-сонларини кўпайтириб, керак-кераксиз ҳар хил гаплар билан тўлдирар, эҳтимол. Аммо бу билан ўзбек кино санъатини ерга уришайтганини, унинг қадрини бир пул қилишайтганини наҳот, тушунишмас?

Яқинда бир устозимнинг “ZO’R TV” телеканалида эфирга узатилаётган “Қодирхон” сериали ҳақидаги мулоҳазаларини ўқиб қолдим: “ZO’R TV” да бугун намоиш этилаётган “Қодирхон” телесериалидан мана бу диалог қулдоғига чалинди: — Отинг нима? — Ади. — Ади дегин, нима қилиб юрибсан Москвада? — Ишлагани келган эдим... Ва ҳеч шубҳасиз, тўқсон тўққиз фоиз сериал-ванд(айни замонда мана шундай одамлар бор, сериал кўрмасча чидолмайдиган)лар ҳам, албатта, шундай жавоб бўлишини билиб турган эди. Фақат сценарий муаллифи ва режиссёрлар бундай ўйлашмаган, ана шу зўрма-зўраки, энсани қотирадиган савол-жавоблар билан сериалнинг чўзилишини таъминлаган”.

гап-сўз, на ўзбек миллатига ўхшаб айрим керак-сиз урф-одатлар намоиши(қайнона-келин, қайнона-қайнота, қайнота-келин, келин-қайинсингил, келин-қайнопа ва уларнинг бир-биридан керак-сиз муносабатлари, уруш-жанжаллари)га гувоҳ бўлдим. Кино бошдан оёқ ўз номига монанд тендер ҳақида. Ва ортиқча бирор лавҳага ўрин берилмаган. Йигит, унинг иши, орзуси, мақсади, севгиси, никоҳи, оиласи, дусти ва у билан юзага келадиган тафовутлар очик ва лўнда гавдалантирилган. Бизнинг сериалу киноларга ўхшаб севилганларга ота-она қаршилик қилишию, бой йигит камбағал қизни, камбағал қиз бой йигитни севиб қолиши кўрсатилмаган. Жамият ичида юрган фаол, ҳаракатчан ёш бир йигитнинг ўз олдига қўйган мақсади йўлида дадил ҳаракати, унинг ишни қандай олиб бориши кўрсатилган. Ўйлайманки, бу бадий фильм ўзбекистонлик йигит-қизлар учун намуна. Улар ҳам айнан шундай яшаш керак. Ортиқча урф-одатлару керак-сиз муносабатларга ўралашиб, умрни ўтказиб юбориш ярамайди. Бунда ота-оналар ҳам фарзандини тушуниши, унга мустақил бўлиши учун имконият яратиб бериши керак. Эскича қарашлардан қутулиш, фарзандини ёнидан жилдирмасдан 40 ёшигача опичлаб ўтиришдан тийилиш зарур.

айримлари қойилмақом ўйнаса, айримлари ролларни эплай олмаётганлиги шундоқ кўришиб турибди. Бунга сабаб нима, деб ўйлайсиз? Сўзининг исботи сифатида телеграм ижтимоий тармоғида яқинда бир гуруҳга тасодифан қўшилиб қолганлигини айтман (Бу ҳам қайсидир уddaбуроннинг иши бўлса керак). Casting “GULI” Production деб номланувчи ушбу телеграм каналда маълум бир “соқча” эвасига турли сериал ва киноларга “актёр”лар танлаб олинар экан. Қизиқиб администраторга ёзиб кўрдим. У менга кино ва сериалларда роль ўйнаш 1000-2000 доллар, клипларда ундан сал арзонроқ, “Оталар сўзи — аклнинг кўзи” да бош роль 200 ундан бошқа роллар учун эса 100 доллар беришим кераклигини айтди. Мен синамоқ мақсадида ундан “Хўп, пулни онлайн тарзда сизга ўтказиб бердим ҳам дейлик, аммо менинг роль ижрочиси бўлишимни ким кафолатлайди? Кейин сценарийни ўқиб чиқишим керак-ку, роль ўйнашдан олдин кино-сериал нима ҳақида эканлигини билишим керак-ку”, деб ёзсам, мени қора рўйхатга қўшиб қўйди...

Ўзбек кино санъати бугун шу аҳволга тушиб қолган бўлса, келажакда нима кўтиш мумкин? Пулни тўлаб, дуч келган кино-сериалда роль ўйнаб кетаверингиз, актёрликка ўқитадиган таълим масканлариниз қаерда қолди? Наҳотки, улар бу билан 35 миллион аҳолининг асабига тегишайтганини ёхуд керак-сиз сериаллари билан қимматли вақтини ўғирлашайтганини тушунишмас...

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,
“Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиби



ХАСТА ДИЛЛАРГА МЕХР УЛАШИБ...

1 Янги йил арафасида партия фаоллари Республика ихтисослаштирилган гематология ва қон қўйиш илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига бориб, ушбу муассасаларда даволанаётган болажонлари Янги йил байрами билан қутладилар.

— Беморларимиз руҳий мадада жуда муҳтож. Янги йилни касалхонада кутиб олиш болалар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам осон эмас, — дейди Соглиқни сақлаш вазирлиги болалар касалликлари бўйича бош онколог Тождин Мустафоев. — Бу масканда ташкил этилган байрамона давра ва улашлар билан совғалар уларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Қорбобо ва Қорқиз ҳамда эртақ қахрамонларнинг ташрифи болажонларга манзур бўлди. Бу уларнинг руҳиятларига ижобий туйғуларни олиб кириш орқали эртанги кунга умидни юксалтиради ва саломатликларни тикланишига ёрдам беради.

“ХАСТА ДИЛЛАРГА МЕХР БЕР!” акцияси кўп йиллардан бери партия томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган **“БОР МЕХРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”** хайрия акцияси-

нинг узвий давомидир. Анъанавий акция донорлик тадбирларини ўз ичига олиб, онко-гематологик хасталикларга чалинган болалар учун қон топиришга қаратилган бўлса, “Хаста дилларга меҳр бери” акциясида бемор болажонларни байрам билан табриклаш, уларга қувонч улашиш ва совғалар бериш назарда тутилган.

Ушбу акция ўтказилиши эълон қилингандан кўп ўтмай юртимизда фаолият юритаётган бир қанча ташкилотлар ҳомийлик истаги билан чиқиди. Акция ҳомийлари бемор болажонлар учун байрамона совғалар тақдим этишди.

Хусусан, ВМВ Trade Group компанияси томонидан кичкинтойларга ўқув қуроллари, китоблар, ақлий қобилиятни ривожлантирувчи ўйинчоқлар тўхфа қилинди.

— Болаларни хурсанд қилиш учун ҳар қандай хизматга тайёрмиз. Асосийси, улар соғайиб, бахтиёр фарзандларимиз сафига қайтишсин, — дейди компания директори Азимжон Мирзажонов.

“Корзинка.уз” савдо мажмуаси болажонларга байрам совғаси сифатида янги шаклда ишлаб чиқарилган қизиқарли китобларни ҳада этди.

“Evos” фирмаси эса Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология ил-

мий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалидаги таъмирлаш ишларига ўз ҳиссасини қўшди.

«O'zbekbek» дўкони кичкинтойларга кийим-кечакларни тўхфа қилди.

Муассаса шифокорлари ва бемор болаларнинг ота-оналари партия томонидан илгари суриллаётган ташаббусни қўллаб-қувватлади.

— Болаларимиз учун ташкил қилинган байрамдан биз, ота-оналар жуда мамнун бўлдик. Энг муҳими, байрам томошаси болажонларимиз учун ҳақиқий тўхфа бўлди. Уларнинг хурсандлигидан қалбимизга шодлик тўлди, — дейди Дилбар Иброҳимова, — Боламни анчадан буён шу касалхонада олиб ётибман. Яқин кунларда фарзандим соғайиб, уйга қайтишимизга умид қиламан. Ташкилотчиларга, «Адолат» партиясига тадбир учун алоҳида ташаккур билдираман.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ушбу акцияни доимий равишда ташкил этиш, ҳомийлар ва жамоатчилик эътиборини кенг жалб этиш мақсадида янги чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда.

Дурдона АЛИМОВА,
“Адолат” СДП Матбуот хизмати ходими

ОМАДЛИ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

— Бошқаларни тинглашни ўрганганинг, суҳбатдошининг гапирини эркинлигини чекламанг;
— Камтар бўлинг. Чунки камтарлик севимли бўлишнинг энг таъсирли йўлидир;
— Ҳадеб мактов эшитиш истагининг бир четга суриб, руҳлантиришни, бировларни макташни ҳам ўрганганинг, худбин бўлманг;
— Доим хушчақчақ ҳолда юриш кийин. Бу тушунарли. Лекин қўлингиздан келганича ғамташевишларингизни яшира билинг;
— Танқидни тўғри қабул қилишни ўргангиз;
— Очiq юз, ширин сўз кўнгиллар калитидир;
— Ҳамиша аввал саломлашинг, сўнг ҳол-аҳвол сўрагиз;
— Атрофдаги кўни-кўшни, таниш-билишлар билан яхши муносабатда бўлинг.
«Hadis va hayot» китобидан.



Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

“Ҳар не истарсен...”

Ўтган йилнинг тўрт фасли инсон руҳиятида, замин ва замонда буюк эврилишлар даври бўлди. Учинчи Ренессанснинг улғу остонасига қудратли ўзбек халқи қадам қўйди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарига илк бор қадимий ўзбек тили бор жозибаси, сеҳру синоати билан янгради. Беш юз саксон йил оша бизгача етиб келган улғу Алишер Навоийнинг ҳаётбахш лисоний нафаслари сарҳадлар оша дунёга таралди. Шерият султони дунё давлатлари томонидан иззат-икром билан эъзозли жойларда қад кўтарди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Президентликка сайлов жараёнида халқ ўзи танлаган муносиб инсонга овоз берди. Давлат сиёсатида инсон омили етакчи ўринга чиқди. Янги йилдан ижтимоий аҳволи оғир хотин-қизлар, чин етимлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга иккиламчи бозордан ҳам уй-жой олишлари имконият яратилиши Юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилди.

Ўзбек адабиёти ривожини, адабиёт аҳлига кўрсатилган эътибор, китоб қарвонларининг узлуксиз оқими ўтган йилимиз кўксиданги сўлишни билмас мангу баҳорга юз тут-

ган дунё бўлиб тарихга муҳрланди. Қатор ижод мактаблари, Президент мактабларида таълим олаётган ёш авлод вакиллари эртанги Ўзбекистоннинг суянган тоғлари бўлиб сафга тизилган кенг катта авлод вакиллари кўзларига нур, руҳиятига қувонч олиб кирди.

Янги Ўзбекистон ибораси нур тезлигида дунёда қанот ёзди. Мамлакатимизга келаётган хорижлик меҳмонлар, жалб қилинаётган кўламли инвестиция оқимлари, қурилаётган кўркам уй-жой иншоотлари, ёшларга бўлаётган катта эътибор, барпо қилинаётган янги Ўзбекистон боғлари — бу халқимиз кўксиданги орзу-умидларнинг бугунги рўёбидир. Халқимизда “Оққан дарё оқавради”, деган ҳикмати ибора бор. Жорий йилда бу теран ҳаёт дарёлари янада қудратлироқ шовуллайди. Учинчи Ренессанс ўз даҳоларини дунёга келтиради. Дунёни изтиробга солган пандемия ер юзидан исзис йўқолади. Халқимизнинг юрт тинчлигини, ободлигини сўраб қилган дуолари Ҳақ даргоҳида вожиб бўлади. Зеро, улғу Навоий лутф қилганларидек:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ



Мамлакатимизнинг барча гўшаларида байрам шукуҳи давом этмоқда. Сергели туманидаги “Зийнат” маҳалласида “Жаҳонаро гулдаста” ширкати томонидан ҳам болажонлар учун “Янги йиллим — яхши йилим” деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирга Қорбобо ва Қорқиз ҳамда эртақ қахрамонлари ташриф буюришди. Кичкинтойлар янги йилнинг кириб келиши, ундан кутаётган мўъжизалари, тилак ва истаклари, орзу-мақсадлари ифода этилган шеърларини ўқиб, кўшиқлар куйлаб, рақсга тутишди ва Қорбободан совғалар олиб, хурсанд бўлишди.

— Ширкатимизда 302 та хонадон бўлиб, уларнинг кўпчилиги ёш оилалардир. Уларда 1000 га яқин келажакимиз эгалари улғаймоқда, — дейди ширкат раиси Шаҳноза Арибжоновна. — Янги йилдан олдин худудимизга 102 арча, 34 мевали ва манзарали кўчатларни ҳам болажонлар иштирокида ўтказдик. Мақсадимиз ёш авлодга она-Ватанимизга, маҳалламизга муҳаббат руҳи билан ўстириш, болалигидан меҳнатга ўргатишдир.

Саодат РАХИМОВА,
“Адолат” мухбири



“Agrobank” ATB jamoasi
yangi 2022-yil bilan barcha
yurtdoshlarimizni samimiy tabriklaydi.
Yangi yil bayramingiz muborak bo'lsin!

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Котибият — 71 288-42-12 (141) факс;
Кабулхона — 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15
Реклама бўлими —

Навбатчи муҳаррир — Камол Матқубов
Навбатчи — Абдугани Солиқов

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgz.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

9 772043 523004

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Өфсет усулида босилган. Буюртма Г — 1100

Адади — 2175
Босишга топширилган вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.00
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун оубунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.